

ТОШКЕНТ

ОҚИШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар қўмитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1986 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.



№ 181 (6. 372)

1987 йил 11 август, сешанба

Баҳоси 3 тийин

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг пленуми тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

10 август куни Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг VI пленуми бўлди. «КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил июнь Пленуми қарорлари асосида экономикани бошқаришни тубдан қайта қуришни таъминлаш соҳасида республика партия ташкилотларининг вазифалари тўғрисида» Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев доклад қилди.

Доклад юзасидан музокараларда Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ф. Х. Қодиров, Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари Қ. Саликов, Сурхондарё область Гагарин районидagi «Искра» совхозининг директори П. Худоёров, «Ўзбекшахтострой» трестининг Тошкент облаstdaги 6-Ангрен қурилиш бошқармаси бригадир Д. А. Зазулин, Ўзбекистон ССР маориф министри О. С. Аббосова, Хоразм область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мирқосимов, Наманган область ижроия комитетининг раиси Б. Д. Ҳақимов, «Главташкентстрой» бошлиғи К. П. Дудин, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Б. Ф. Сатин, Қўқондаги И. Охунбобоев номи тикувчилик фабрикасининг директори С. Н. Раҳмонова, Андижон область Москва район партия комитетининг биринчи секретари Х. И. Ис-

монов, Сирдарё область Бобўев районидagi А. С. Пушкин номи совхоз директори С. Абдуқодиров, Жиззах область партия комитетининг биринчи секретари И. С. Умаров, Тошкент облаstdaги 2-Янгиобод руда бошқармаси директори Г. Х. Сидиков, Бухоро облаstdaги «Ўзбекбургаз» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бригадир В. Ф. Стрелцов ўртоқлар сўзга чиқдилар.

«Республика партия ташкилотининг КПСС Марказий Комитетининг «Партияга қабул қилиш ва партия сафларини мустақамлаш борасида Тошкент область партия ташкилотининг ишидаги жиддий камчиликлар тўғрисида»ги қароридан келиб чиқадиган вазифаларни масаласи юзасидан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. П. Анишев доклад қилди.

Докладни муҳокама қилишда Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари Т. А. Алимов, Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи сўёсий бошқармасининг бошлиғи — Ҳарбий Кенгаш аъзоси Г. А. Стефановский, Фарғона область партия комитети партиявий-ташкилий ишлар бўлимининг мудир В. И. Балала, Сирдарё область партия комитетининг иккинчи секретари Б. Алламуродов, «Совет Ўзбекистони» газетасининг редак-

тори Л. Қаюмов, Самарқанд область партия комитетининг иккинчи секретари Ю. С. Васильев, Қашқадарё область Шаҳрисабз шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Ш. О. Мансурова ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Пленум муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.

Пленум ташкилий масалаларни кўриб чиқди. Г. М. Писунин Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Енгил саноат ва халқ истеъмол моллари бўлими мудри этиб тасдиқланди.

Пленум ишдаги жиддий камчиликларни учун Бухоро область ижроия комитетининг собиқ раиси ўртоқ Н. Нарзуллаевни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзолигидан, Ўзбекистон ССР ўрмон хўжалиги собиқ министри ўртоқ П. Ю. Юсуповни Марказий Комитет аъзолигидан кандидатликдан чиқарди.

Пленум ишда КПСС Марказий Комитетининг масъул ходимлари И. Е. Пономарев, В. Н. Куликов ўртоқлар қатнашдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми шу билан ўз ишини тугаллади.

Жадаллаштириш—давр талаби

ИШГА ВИЖДОНАН ЁНДАШИБ

ЎЗБЕКИСТОН ССР АГРОСАНОАТ ДАВЛАТ КОМИТЕТИГА ҚАРАШЛИ ТОШКЕНТ ТАЖРИБА-МЕХАНИКА ЗАВОДИНИНГ КОММУНИСТ КАРИМ СОБИРОВ БОШЧИЛИК ҚИЛАЕТГАН БРИГАДА КОЛЛЕКТИВИ ЯНГИ МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРА БОШЛАДИ. БУ МАҲСУЛОТ ПАХТАНИНГ ЧИГИТ УРУҒИНИ ИВИТИШ УЧУН МУЛЖАЛЛАНГАН УСҚУНАДИР.

ча вақт сарфланар эди. Корхона коллективи КПСС XXVII съезди қарорларида белгиланган жадаллаштириш ва қайта қуриш йўлидан дадил борапти. Мажбур камчилик ва нуқсонларга муроасиз ўт очилди. Корхонада реконструкция ишлари ҳам тез суръатлар билан олиб бориляпти. Иш бошдан буён завод цехларида 6 та янги токарлик ва пармалаш станоклари ўрнатилди. «Хурмат Белгиси» ордени кавалери, коммунистик меҳнат зарбдори Карим Собиров мана 38 йилдирки, шу корхонада ишчи касбини улуглаб келди. У ўз меҳнат фао-

лиятини заводнинг механика-йиғув цехида шоғирдликдан бошлаб, бригадирликкача бўлган шарафли йўлни босиб ўтди. У шу корхонада ўси, улгайди. Эл-юртага наф келтиришни заводнинг фидойи кишиларидан ўрганди. Доимо ташаббус кўрсатиб ишлаган ҳолда маҳсулот сифати учун жон куйдиради. Карим Собиров меҳнат фаолияти даврида 30 дан ортиқ ишчига ўз касби сирларини ўргатди. Шоғирдлар ҳозирги кунда заводнинг турли участкаларида файрат билан меҳнат қилмоқдалар. Улардан бири, «Хурмат белгиси» ордени кавалери Юрий

Запрегаев заводдаги яна бир илгор бригадига етакчилик қилапти. Айни пайтда уша бригадани Карим Собиров бригадаси билан мусобақадош. Карим Собиров шоғирдлари, коммунистик меҳнат зарбдорлари Виктор Максименко ва Иван Амилшешлар кунлик план-топириқлари н 120—130 процент уддалаётган пешқадам ишчилардан саналишди. Улар турдош касбларни ўзлаштирган ҳолда ўз устозларин билан мусобақалашиб ишламоқдалар. Бригада етакчиси бўлиш осон эмас. Чунки бригадир ўзининг меҳнатсеварлиги, жонкуярлиги ва

ташаббускорлиги билан ўрнат қўрсатмоғи лозим. Бундан юракдан ҳис этган Карим Собиров Улуг Октябрь социалистик революцияси шарафига янги мажбурият қабул қилди.

— КПСС Марказий Комитетининг июнь (1987 йил) Пленуми биз ишчилар олдида ҳам муҳим вазифалар қўйди, — дейди Карим Собиров. — Ҳар бир ишчи ўз ишига виждонан ёндашмоғи, ишлаб чиқарётган маҳсулотни ҳар томонлама сифатли бўлишига эришмоғи, иккинчидан талабчанликни, интизом ва уюшқонлиқни кучайтиришдан иборатдир. Коллективизмнинг ҳар бир аъзоси бу тарихий ҳужжат муҳокамасига бағишланган йилгилида ўз зиммасига конкрет мажбуриятлар қабул қилди. Ҳозир зиммамизга олган шу мажбуриятларни бажариш, ўн иккинчи беш йилликнинг иккинчи йили планини Улуг Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллик юбилейи нишонланадиган кунгача уддалаш учун бор куч ва имкониятларни ишга солиб, самарали меҳнат қилмоқдамиз.

С. ИКРОМОВ, жамоатчи мухбиримиз.

Ягона қардошлик оиласида

КУЙЛАЙМАН ШАЪНИНГНИ ЭЙ, ОНА-ВАТАН, КУЙЛАЙМАН СЕНИ МЕН ҲУР РЕСПУБЛИКАМ!

Молдавия Совет Социалистик Республикаси



Гражданлар урушининг қаҳрамонлари М. В. Фрунзе, Г. И. Котовский, С. Г. Лазо, И. Э. Якир, И. Ф. Федколар молдаван халқининг шонли фарзандларидир. Улар фақат республикада эмас, бутун мамлакатимизда Октябрь ғалабаларини сақлаб қолиш ва янги социалистик жамиятни ташкил этиш ва ривожлантиришга салмоқли ҳисса кўшган арбоблардир. Қардошлар оиласига бирлашган Совет Молдавиеси халқ хўжалигини ривожлантиришнинг истибқоли йўлидан бориб, катта зафарларини қў-

га киритди. Утинида аграр хўжаликка эга бўлган республикада завод ва фабрикалар, бирлашмалар ташкил этилди. Янги саноат корхоналарини бунёд этиш ва уларда ишлаб чиқаришни йўлга қўйишда деярли барча қардош республикаларда туپланган тажрибалардан фойдаланилди.

Ҳозир ҳам Молдавия богдорчилик ва узумчиликда Иттифоқимиздаги тажриба марказларидан бири ҳисобланади. Бу ерда яратилётган мева ва узумларнинг янги навлари турли шаҳар ва қишлоқларга етказиб берилмоқда. Молдавиялик комсомол-ёшларнинг вакиллари Байнал-Амур магистралини бунёд этишда фидокорлик намунасини кўрсатишмоқда.

Совет Молдавиесининг пойтахти Кишинев ҳозир йиррик саноат марказларидан бирига айланган. Бу ерда бир кунда 45 та трактор, 248 та насос, 1158 та кир ювиш машинаси, 749 та холодильник, 257 минг сўмлик мебель, 422 минг сўмлик кийим-бош, 30 минг жуфт поябзан, 156 минг жуфт пай-

поқ маҳсулоти, 66 минг дона трикотаж чойшаб, 369 тонна нон-булка маҳсулоти, 337 минг банка сабзавот консерваси, 179 тонна қандолат маҳсулотлари тайёрланмоқда. Халқ хўжалигини қайта қуриш ва интенсивлаш йўлидан бораётган республикада турмушнинг ҳамма соҳаларида жойиб ўзгаришлар юз бермоқда.

◆ (Молдавия Совет Социалистик Республикаси ва унинг пойтахти Кишиневга бағишланган материалларни газетанинг иккинчи саҳифасида ўқийсиз).

Замондошимиз



Гулноранинг қалби гул

Инсон азиз. Ҳўш, қайси фазилати билан азиз! Сир эмаски, ҳаётда яшайдан мақсади нима эканини биллиб олган одамга турмуш сўқмоқлари ҳам раво бўлади. Гулнора эйрақлиги билан кишининг қадри, бахти-саодати, иззат-ҳурмати қандай ортишини шу ёшлик ақл-заковати билан тушуниб олган. У билан суҳбатдош бўлган киши Гулноранинг қалби ҳаёт, меҳнат ва одамларга меҳр-муҳаббат билан тўлиб-тошганини ҳис этади. Гулнорадан сўраймиз:

— Урта мактабни битиргач, заводга келиб ишлашингизга нима туртки берди!

— Файрат-шиқоятим, меҳнат қилишга ишתיқим, — деб жиплаяди Гулнора. — Мени заводга келиб ишлашга ҳеч ким мажбур қилгани йўқ. Урта мактабда ўқиганнимдаёқ албатта ишчи бўлишни, меҳнат нашъасини суршиш, ҳалол тер тўкиб яшашни дилимга туғиб қўйгандим. «Ташэлектромаш» заводига ишчи бўлиб кирган куним ана шу ширин орзуми ушлаганига бир олам қувондим.

— Заводда устоз ишчилар сизни қандай қарши олишди!

— Яхши одамлар кўп. Биласизми, меҳнаткаш ишчилар қалби биллурдек мусеффо,

кўнгли тезда ва самимий бўлади... Биринчи кунлардаёқ Галина опа Кинязкина токарлик касби бўйича ўз маҳоратини менга чин дилдан ўргата бошлади. Ҳозир устозим ёнида завқ-шаҳқ билан ишлаб, меҳнатнинг кўпдан-кўп сирларини ўрганилман.

— Меҳнат билан бирга, олий ўқув юртида ҳам таҳсил олаясизми!..

— Ҳа, яхши ишчи бўлиш учун ўқиш ҳам керак деб ўйлайман... Мен ҳали ёшман, шунинг учун Тошкент Давлат университетининг математика факультети учинчи курсида ўқиб, илмимни ошириб бораёман.

Шаҳримиздаги 230-ўрта мактабни тугатиб, ҳозирда «Ташэлектромаш» заводда фидокорона меҳнат қилаётган Гулнора Каримова комсомол ёшларга ўрнат бўлиб, университетда ўқишни ҳам яхши давом эттираяпти. Ундан ким ишчанлигининг сабабини сўраса: «Шундан ишлаш керак, меҳнатнинг қадрига етиш керак», дейди.

Ҳаётда ҳалол яшаш мақсадини ва меҳнат қадрини билган Гулноранинг қалбини гул дейиш керак, зеро инсон меҳнати билан азиз.

СУРАТДА: Гулнора Каримова. Т. Каримов фотоси.

Фидокор

«Главташкентстрой»ни н г 159-трестига қарашли ички механизация бошқармаси коллективи ўртасидаги социалистик мусобақада С. Хан етакчилиги қилаётган коллектив коммунистик меҳнат бригадаси пешқадам ўринлардан бирини эгаллаб келаяпти. 11 кишилик бу коллектив бинолар томини ёпмоқда.

Графикдан ўзиб ишлайётган коллектив шу кунларда Юнусовод массиви 10 қаватлида қад кўтарган 160 ўринли болалар богчасида меҳнат қилмоқда. Бригада, шунинг С. Ким, А. Максимов, В. Елшин сингари бунёдкор-

лари ҳамкасбларига намуна бўлишмоқда. Коллективнинг ҳар бир аъзоси ойига 900 сўм ўрига 1100 сўмлик иш бажармоқда.

Бошқармада Сергей Хани фидокор дейишади. Бу гапда жон бор. С. Хан Чирнобил атом электр станциясида бир ярим йил меҳнат қилиб қайтди.

Эъзозланган меҳнат

Трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли ремонт қурилиш бошқармасининг прораби Владимир Тен бошчилик электр тармоқлари участкаси монтерлари ўз вазифасининг муҳимлигини яхши тушунадилар. София проспек-

ти — Эргашев — Куйбисhev майдони оралиғидаги 9,3 километри троллейбус йўли ҳам уларнинг меҳнат маҳсули бўлди. Тармоқ коллектив электромонтерлари ягона наряд асосида ишламоқдалар. Бригадир О. Тошимухамедов, электромонтерлар

С. АЛИЕВ.

Халқ усталари ижоди

Ўзбекистон ССР Давлат санъат музейининг Урта Осиё халқ санъати бўлими залларида истеъдодли халқ усталари ишлари экспозицияси ташкил этилди.

Музейнинг шу бўлимида Ўзбекистон халқ rassомлари Қодиржон Хайдаров, Сулаймон Ҳўжаев, Мақсуд Қосимов, Олимжон Қосимжонов, Жалил Ҳақимов, Тоир Тўхтажўяевлар кўларига сайқал топан ёғоч ўймакорлиги ва нақшошлик санъатида бажарилган олти-

сақкиз қиррали, айланма-қиррасиз хонхата, курсичалар, михсиз ва елимсиз ишланган панжара пардалар намоиш этилмоқда.

Машҳур қулоллар иши олдига зални эгаллаган. Тошкентнинг қадимий қулолчилик санъати турларини қайта тиклаган усталар Т. Мирраев, кулол-олим М. Раҳимовларнинг қаймоқ пилёла, коса, хурмача, хўқача, хумчалари, самарқандлик А. Мухторов, бу-

хоролик Х. Раҳимовларнинг халқимизнинг бой маданияти ва яхши удувларидан ҳикоя қилувчи тасвирлар санъат муҳлисларида қизиқиш уйғотаётди. Шунингдек, халқ усталари ишлари экспозицияси ёнидан бизгача номлари сақланмай қолган номаълум усталар ижодидаги намуналар ҳам ўрин олган.

М. АҲМЕДОВ, Ўзбекистон ССР Давлат санъат музейининг катта илмий ходими.



СУРАТДА: Кишинёв. Озодлик майдони. М. Потирнике, А. Симановский фотоси.



КУЙЛАЙМАН ШАЪНИНГНИ ЭЙ, ОНА-ВАТАН, КУЙЛАЙМАН СЕНИ МЕН ҲУР РЕСПУБЛИКАМ!

**Молдавия Совет
Социалистик
Республикаси**



ДАВР ТАЛАБИ

И. МОРОРЬ,

Молдавия ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари, Кишинев трактор заводи қувоҳ цехининг бригадир.

Турли даврларда Молдавия ерларидан мураккаб тарихий воқеалар йўли ўтган. Унинг водийлари ва адирларида қўллаб ҳалқларнинг тақдирлари туташиб кетган. Асрлар оша этиб келган дойналар — ҳалқ қўшиқлари шу ҳақда бизга ҳаёжон билан ҳаққоний ҳикоя қилади. Уша давр солномачилари неча ўн йилликлар давомида жонажон ўлкамиз шу қадар ўзгариб кетишини тасаввур ҳам қила олмас эдилар.

Улуғ Октябрь Россия империясининг со- биқ чекка ўлкасида ҳаётни тиклади. Ҳозир республика жўнжиқ ривожланаётган кўп тармоқли саноатта, интенсив қурилиш- га эга. Унинг унумдор боғлари ва саҳий даладари мўл ҳосил бермоқда, олимлар ҳозирги замон фани ва техникасининг энг актуал соҳаларида тадқиқотлар олиб бор- моқдалар.

Мен 30 йилдан буён Кишинёв трактор- созлик заводида ишлайман. Менинг кўз ўн- гинда ярим кустар устаконлар қудратли замонавий ишлаб чиқаришга айланган, эн- дилида у тармоқдаги энг илғор корхона- лардан биридир. Заводни қуришга бутун мамлакат ёрдам берди. Реконструкция ло- йҳасини Украина инженерлари ишлаб чиқарди, машина-ускуналарни ҳамма иттифоқдош республикалардан 267 корхо- на етказиб берди. Бу ҳалқларимиз ўрта- сидаги ишчиларга хос муштаҳам дўстлик- ка мисол бўла оладиган фактларнинг биринчиси. Ҳозир ҳамма томондан Молда- вияга техника, металл, кўмир, нефть, ма- териаллар, саноат буюмлари ортилган эше- лонлар келмоқда. Бизнинг республикамиз ҳам қарздор бўлиб қолаётгани йўқ. У мам- лақатнинг турли гўшаларига бог ва тоқдор- ларнинг саҳий инъомининга юбориб қол- мапти, Болтиқ бўйида тортиб Узоқ Шарқ даладарида ҳамма жойда бизнинг заводимизда яратилган машиналар ишлаёт- ганини кўриш мумкин. Мамлакат деҳқон- ларига «Плодсольхозмаш» ишлаб чиқариш бирлашмиси цехларида йиғилган юксак унум билан ишлайдиган мева ва резавор мева тарадиган комбайнлар ердагига келди. Совет Иттифоқидаги йirik машинасозлик корхоналарида С. М. Киров номидаги Ти- располь қувоҳ машиналари заводи ишлаб чиқарган нодир автомат линиялар ўрнатил- ган.

Биз турмушимизни ҳар томонлама ях- шишлашга ҳаракат қилаёмиз. Ҳозир бутун мамлакатимизда бўлгани каби, республи- камизда ҳам қайта қуриш даври, йиллар да- вомида тулланиб қолган маънавий ва ҳў- жалик пўнавларини тозалаб даврдир. Қайта қуриш осонликка бораётгани йўқ. КПСС Марказий Комитетининг қўабўйма-

чилик ва қўшиб ёзишларни таг-томири би- лан тутатиш тўғрисидаги қарорни қонийар- сиз бажарилаётгани ҳақида ҳужжат қабул қилинди. Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги нишонланганида йилда ана шу салбий ҳо- дисалар тўғрисида гапириб, айниқса қи- йин. Аммо гапириб керак, уларни тезроқ илдизи билан тутатиш лозим.

Яна бир жиддий муаммо тўғрисида га- пирмай ўтмайман. Молдавияда қадим- дан узум етиштириладир. Бироқ, сўнгги йилларда қуёш меваси — узумдан фойда- ланишда ҳунук ўзгаришлар юз берди: қиш- лоқда яшовчи баъзи кишилар бойлик ор- тирини мақсадида узумдан тонналаб вино тайёрладилар.

Партия ва совет органлари қишлоқда катта тушунтириш ишларини олиб борди- лар. Натижада ҳозир кўпгина оилалар ўз томораларидаги винобоп узум ўрнига ҳў- раки навларни ўстирмоқдалар, кўпроқ ме- ва дарахтлари ўтказиб, сабзавот етиштири- моқдалар. Республика агроасаноатида ҳўра- ки узум етиштирилиши кўпайтириш йўлига ўтилди.

Ҳозир ишлар жуда кўп. Қайта қуриш- нинг дастлабки кўртақлари реал ишларда акс этмоқда. Юзлаб меҳнат коллективла- рида раҳбарлар сайлови ўтказилди. Бирин- чи марта ҳалқ депутатлари Флорешт рай- он советига битта депутатлик ўрнига бир неча номзод кўрсатилди. Уларнинг амий- лан ва маънавий фазилатлари коллектив- лар йиғилишларида, қишлоқ йиғинларида кенг муҳокама қилинди. Ҳозир республика- нинг энг юксак минбарлардан ҳамма нарс- ни мусавфо этувчи танқиди тўла бўлган ҳамда ленинчасига очиқ-шўкора самийий овозлар янграмоқда.

Эндилида ишларимиз яхши кетяпти, десам гапим самийий чиқмас эди. Эконо- микада вужудга келган аҳволга сезгирлик билан баҳо бериб, бизда қайта қуриш ўзи- ми эстасганга сўр'ятлар билан бормаёт- ганини кўриб турибман. Иктамий иш- лаб чиқариш ва ҳалқ фаровонлиги бироз ўсганига қарамай, республика саноат у- сганини кўрсаткичлар бўйича шу йил 1- квартал планини бажармади. «Фан-техни- ка, ишлаб чиқариш ва интеллектуал по- тенциалдан ҳали ҳам бўш фойдаланилмоқ- да».

Аммо мен Совет Молдавияси қийинчи- ликларни бартараф этди, XXVII съезд белгилаб берган марраларга чиқиб олиши- га ишонаман. Одамларнинг партия танла- ган қайта қуриш йўли тўғрисида чуқур ишончини, уларнинг ҳаётни янгиллашга ас- тойдил итилаётганликларни бунинг гар- видир.



Кишинёв шаҳрида фашистлар Германияси устидан қозо- нилган ғалаба шарафига бунёд этилган ёдгорлик.

КИШИНЕВ КЎРКИ

Ботаника микрорайонини Кишинев шаҳрининг жануби- гарбдаги дарвозаси дейишди. Бу ерда республика пой- тахтидаги энг баланд уйлари қуриш нийоҳисига етди, улар шаҳарнинг кўрки бўлиб қолди.

24 қаватли бинонинг тепасига—80 метр баландликка чиқиб қарасангиз, шаҳарнинг қиёфаси худди қафиза тур- гандек янқол намоён бўлади. Кишинев марказини ўраб турган тепаликларда Боюкани, Ришкановка, Янги Чека- ни, Будешти, Чеквари уй-жой массивлари қад кўтарган...

— Бундан 20 йил муқаддам ҳозирги ботаника микро- райони ўрни тақир ер эди. — деб эслайди 30 йилдан бе- ри қурилишда ишлаган бинокор П. Саранди, — уша кезлар республикадаги дастлабки беш қаватли уйлари қураётган эдик. Бу ишда бизга Москва, Ленинград, Свердловск шаҳридан келган ҳамкасбларимиз ёрдам беришди. Бу шаҳарлардан келган инженерлар тажрибалар- ни баҳам кўришди, йиринк панелли уй-созлик буюмларини ишлаб чиқарадиган тўнгич корхоналар қурилишида иш- тирок этишди. Уша кезлар Молдавия учун беш қаватли уйлари қуриш ютуқ ҳисобланарди. Машҳур совет архи- тектори А. Шучусев асли Кишинев шаҳрида ўсиб, катта бўлган. Ана шу меймор сейсмик зонани ҳисобга олиб, шаҳарда фақат уч қаватли иморатлар қуришни назарда тутган эди.

Аммо шаҳарда кўп қаватли уйлар бирин-кетин қад кўтармоқда. Анъанага кўра, оқ тош, яъни ракушечник- да объектлар қуриш билан бир қаторда зилизлабардош монологит ва йиринк панелли иншоотлар ҳам бунёд этил- моқда. Бунинг шарофати билан Кишинев қиёфаси гўзал- лашиб кетди. Қизиқарли архитектура планлаштириги ечимлари пайдо бўлди. Уй-жой муаммоси илгаридагига нисбатан жадалроқ ҳал этилмоқда.

Эндилида Кишиневда уй-жой тўйлари тобора кўпайиб бормоқда. Шу йилнинг ўзидеъ юзлаб оилалар янги, ши- нам квартираларга муқддатидан илгари кўчиб кирдилар. Қурувчилар биринчи квартал планига қўшимча равишда 6 минг квадрат метрдан кўпроқ уй-жой топширдилар. Беш йилликда ҳаммаси бўлиб, 10,9 миллион квадрат метр уй-жой қуриш мўлжалланган. Бу аввалги беш йил- ликдагига нисбатан 3,1 миллион квадрат метр кўпдир.

А. ТАНАС.

Р. ХОВЧЕНКО.

Факт ва рақамлар

◆ Ҳозирги вақтда Молда- вия ССРда ҳар уч кишининг би- ри ўқимокда. 9 олий мактаб ва 53 ўрта махсус билим юр- тиди 200 дан кўпроқ ихтисос- лик бўйича надрлар тайёр- ланмоқда. Республикада жа- ҳондаги 80 мамлакат вакилла- ри таълим олинмоқдалар.

◆ Молдавияда 42 та давлат музейи бор, улар ҳузурида 29 та филиал очилган. Яна 140 музей жамоатчилиги асо- сида ишламоқда. Вадий ҳа- васкорлик кенг ривожланган. Ҳозир 200 мингдан кўпроқ киши бадий ҳаваскорлик тў- гаракларига қатнашмоқда. Рес- публикада 191 газета ва 53 журнал нашр этилмоқда, олти- та нашриёт ишлаб турибди.

Молдавиянинг 200 дан кў- проқ меҳнатқили Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган юк- сак унвонга сазовор бўлган.

изла» деган нақлнинг маъно- си ўзгаради. Лекин биз олиб бораётган ишларнинг пировард мақсади фақат шундайгина эмас, албатта. «Биотрон»да ўсимликларнинг генетик потен- циали тадқиқ этилмоқда. Бу ўсимликлар кейинчалик селек- ционерлар учун иш бошлана- диган материал бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бу ерда қиш- лоқ хўжалик экинларининг у ёки бу навларини қандай эко- логик шароитда етиштириш мақбуллиги аниқланади. Янги биологик актив моддаларга жадаллик билан баҳо берила- ди. Ана шу фундаментал тад- қиқотлар натижасида ўсим- лиқшўносликнинг принциплари жи- ҳатидан янги-адаптинг систе- маси яратилади. Бу системага ўтиш ноқулай иқлим шароит- ларида ҳам мўл ҳосил олишга имкон беради.

Ф. ТРИШИН.

Орзу ушалмоқда

Молдавия кинематогра- фчлари союзи ишларининг «Экс- перимент» икюдий уюшмаси- ни тузди. Ҳужжатли кино санъати соҳасида ишлаётган режиссёрлар бу ерда бадий кинода дастлабки қадам таш- лашга жазм эдилар. «Молдо- ва-фильм» студияси базасида уларга ана шундай ҳуқуқ бе- рилди.

Бутуниттифоқ Давлат кинематография институтини бити- риб чиқиб, республика телеви- дениесида режиссёр бўлиб ишлаётган Влад Пльмэдялэ бу ерда ўзининг армон бўлиб қолган орзусини рўёбга чиқа- риш, яъни ёзувчи Н. Есенин- кунинг социал-ахлоқий му- аммолар илгари сурилган ҳи- кояси асосида картина яратиш иштиёқида келди.

— Бу — бизнинг синов учун мўлжалланган парвоз майдон- чамиздир, бу ерда янгила иш- лашга қурби етадиган ҳар бир икюдор ўзининг икюдий по- тенциалини текшириб кўриши, омади келмай қолмишдан ҳў- чимасдан, синовдан ўтказиши мумкин, — деди Молдавия ки- нематографчлар союзи пр- авлениясининг биринчи сек- ретари Эмиль Лотяну. — Бу бирлашма ишларга мўлжаллаб тузилган бўлса ҳам аммо ки- но соҳасида кўп йиллар иш- лаган кишиларни ҳам ҳўшунд- лик билан кўтиб оламиз, «ҳа- кири тўқилмаган» оғзалар, фикр- уйлар билан келишса, уларни ҳамма қўллаб-қувватлаймиз.

Бундай бирлашма миллий кинематографияни қайта қу- риш йўлидаги дастлабки қа- дамлар натижасидир. Респу- бликада режиссёр кадрлар калмиғи сабабми миллий ки- нематографияда кўп йиллар мобайнида турғуллик давом- этиб, ўзининг илгариги доври- ни йўқотаётган эди. Шу бо- лисдан ҳам кинематографчи- лар союзи ва Молдавия Дав- лат кинематография комитети эндиликда режиссёрларни кидириб, тайёрлаш ва тарбия- лашни биргаликдаги фаолияти- нинг энг муҳим йўналишлари- дан бири, деб ҳисобламоқда.

— Агар биз чинакам икю- кор инсон йўлидаги барча голварин олиб ташламасак, бизнинг кинематография уйи- мида янгилаш бўлмайди. Икюдий союз раҳбари би- лан бу сўхбатимиз шаҳарлар- аро телефон орқали бўлмоқ- да. Муҳим ишларга қарамай, Лотяну Москвага келди. У олий режиссура курсларидаги қабул курсисыида ишлаши керак. Бу курсларда биринчи марта унинг «раҳбарлигида Молдавиянинг бўлажак режис- сёрлари икюдий устаконаси ташкил этилмоқда.

Машғуллор бошлангани- дан кейин ҳозир Бутуниттифоқ Давлат кинематография ин- ститутиди Анатолий Ромашин устаконасида тахсил кўраётган бўлажак киноактёрлар, яъни Молдавиядан келган бир гу- руҳ ишлар билан ҳам албатта ҳамдўстлик алоқалари ўрната- миз. Ягона кинематография оиласисиз яхши фильмлар пайдо бўлиши мумкин, аммо яхши кинематография бўлмай- ди.

Гандининг парламентда айтганлари

ДЕ Ҳ. Л. И. Ҳиндистон армияси учун Швеция- нинг «Борфорс» фирмаси- дан анча дала тўплари ка- рид этилганлиги тўғрисида- ги иш муносабати билан Ҳиндистон Бош министри Ражив Ганди бугун парла- ментда махсус баёнот бер- ди.

«Парламентда, шунинг- дек парламентдан ташқари «Борфорс иши» юзасидан му- нозаралар кетаётганида кўп- гина айблов сўзлари айтил- ди, деди Ражив Ганди. — Мамлакат ва унинг раҳбар- лари оёру-этиборини туши- риш учун овозлар ва асос- ланмаган шўбхалардан фой- даланилди. Шу мўъттабар анжуман олдига қатъий қи- либ айтмагани, ана шў би- тим муносабати билан ме- на, на менинг оила аъзо- ларим ҳеч бир маблаг олган эмасмиз. Терговчилар би- рон шахс қонунга ҳилоф ра- вишда пул олганлиқда айб- дор эканлигини аниқласа, у қонунга мувофиқ қаттиқ жазоланади, деб парламен- тнинг иккала палатасида не- ча бор гапирди. Ҳиндис- тон миллий конгресси (И) партияси ва мамлакат ҳуку- мати ҳақиқат очилишидан манфаатдордир. Келинг, бу ишда ҳамкорлик қилай- лик».

Хиросимадаги атом бомбардимони қурбонлари ёдга олинди

ХИРОСИМА. Бундан 42 йил муқаддам атом офа- тини бошидан кечирган Хиросима шаҳри аҳолиси барча ядро қуролиларини ту- гатишга, Ер юзидида барча ҳалқларнинг равиқий йўлида давлатларнинг тинч-тотув яшашига даъват этди.

Мамлакатнинг турли ўл- каларидан келган 55 минг япон, ядро қуролини тақиқ- лаш учун курашувчи ҳалқ- аро конференция қатнаш- чилари, турли мамла- катларнинг жамоатчили- ги, шу жумладан Хироси- ма аҳли билан оға-ини ту- тинган Волгарад шаҳри ва- киллари бугун Америка ҳар- билари ваҳишона жинояти- нинг қурбони бўлган киши- лар хотирасини ёдга олиш учун Тинчлик хёбонидаги маросимга йиғилидилар.

Неча юз минглаб одамлар атом оловиди кўйиб кетди. Шу кўнларда ҳам кўлаб японлар Америка бомбаси портлашининг оқибатида ўл- моқдалар. Ўтган йили қазо

қилган 4619 кишининг ис- ми ёзилган рўйхат бугун атом бомбардимони қурбон- лари хотираси учун ўрна- тилган ёдгорлик пойига қў- йилди.

Ҳозир бутун жаҳон узра ядро ҳаффи даҳшат солиб турибди. Ядровий қурола- ниш пойғасини космик фазо- га чиқаришга уринишлар бўлмоқда. Шаҳар мэри Такеси Араки маро- симда ўқиб эшиттирган тинч- лик декларациясида инсо- ниетнинг ҳаёти хавф остида турибди, дейилган. Ядро ас- риди муҳофизатдан воз кечиб, мулоқотга ўтишдан, ер юзиди муштаҳам тинч- ликни таъминлаш учун ипюнсизликдан ҳамкорлик- ка ўтишдан бошқа йўл йўқ. Хиросима ядровий давлат- ларнинг дарҳол ядро синовла- рини тўхтатишга ва ядровий қуролини қўйишга тўғрисида ҳалқаро шартнома тузишга даъват этилди. Янги атом фо- жасига йўл қўймаслик учун биз ҳамма ишни қилишга тайёриймиз, деб таъкидланади декларацияда.

Босиб олинган Араб ерларидаги репрессиялар

ҚОҲИРА. Араб аҳо- лисининг оммавий норо- зилигига дуч келган Исро- ил оккупациячи маъмулла- ри Газа шаҳри қамалини бе- кор қилишга мажбур бўлди- лар ва комендантлик соати бе- кор қилинган. Ҳақида фармойиш чиқардилар, деб хабар берди МЕНА агентли- ги.

Аммо шаҳардаги ҳара- катни тақиқлаб қўйиш ҳа- қидаги фармон аслида ҳа- ли амал қилмоқда. Газа кў- чаларида полициянинг қў- чайтирилган нарядлари из- гиби юрипти. Қўрқаб олин- ш, тинтув ўтказиш ва ҳужжат- ларни текшириш давом эт- моқда. Заррача шўбха пай- до бўлиши биланқол фалас- тинликларни қамаб қўймоқ- далар. Яна ўн киши қа- моққа олинди.

Иордан дарёсининг босиб олинган қарий қирғоғидаги Рамаллаш шаҳри қарбий три- бунали Исроил маъмулла- рининг бебошлигига қарши норозилик намоийишида иш- тирок этган фаластинлик беш студентни узоқ муқ- датли қамоқ жазосига ҳукм қилди. Исроил солдатлари Дайр-ал-Ғусун посёлкасида Ан-Нахаддаги Фаластин университетининг профес- сори Абдул Саттор Қосим хонадонига бостириб кириб тинтув қилдилар ва ҳамма нарсанинг оёгини осмон- дан қилиб юбордилар. Қо- сим ва унинг оила аъзолари таҳқирлаб тергов қилинди. Тулкарма посёлкаси чекка- сида босқинчилар қурилиш материаллари омборларини

қўйиб юбордилар, бу ерда фаластинликлар учун уй қуришга мўлжалланган ма- териаллар асраётган эди. Омбор ва ён атрофдаги уй- лар вайрон бўлди. Неча ўн- лаб арав оилалари бошпана- сиз қолди.

ДАМАШҚ. Фаластин- ликларни ҳимоя қи- лиш комитетининг раҳ- бари Ҳасан Кавасма Га- за шаҳридаги воқеаларга баҳо бериб, фаластинлик- ларга қарши репрессиялар ва қўрқаб олишларни ил- гари мисли кўрилмаган ил- ёсдаги кампания, деб ата- ди. ТАСС мухбири билан суҳбатда у халқаро жамо- атчилиқнинг талабига қара- май, Исроилнинг ҳукмрон доиралари ҳозир ҳам ав- валгидек Фаластин халқи- нинг ҳуқуқларини тан ол- маллашди. Иордан дарёси қарбий қирғоғини ва Газа секторини эгаллаб ту- рибдилар ва бу ерда қо- нунга ҳилоф тарзда қурил- ган посёлкаларни бузиб ташлашдан бош тортмоқда- лар. Сионистлар, агар фал- астинликлар қўл тартида яшашга рози бўлмасалар, улар қўшин араб мамлакат- ларига зуравонлик билан чиқариб юборилиш, деб бе- ҳаёлик билан айтмоқдалар, деб таъкидлади Х. Кавасма.

Қийинчиликларга қара- май, халқимиз ўз миллий оёру-умидларининг қонди- ришига эришишга азму-на- рор қилган, деди фаластин- лик арбоб. Фаластин халқи ўз адолатли иши учун қу- ролли ва сиёсий журашни давом эттирмоқда.

ҚУМДАН ҚУРИЛГАН УЙЛАР

Қум планетамизда шу қадар кўпки, ҳаттоки улардан уйлар қуриш мумкин экан.

Чехословакиялик му- тахассислар, қум таркиби бетондан ғишт асаш технолониясини 14 йил- дан буён тадқиқ қилиб, бунга эришилди. Янги қўришмада цемент уч ба- равар кам, унинг ўрнида ишлатиладиган қум ях- ши натижа бермоқда.

Бундай ғиштарини ишлаб чиқарувчи бригадада ўн бир киши меҳнат қилиб, бир сменада 4500 дона ғишт ишлаб чиқаради, деб хабар қилади «Мага- зин» (Румания) ҳафтали- ги.

МАКАРОНЛАР КОЛЛЕКЦИЯСИ

Италияликларнинг ма- каронга бўлган мойилли- клари сусаймапти. Шу- нинг учун уларнинг кўп- лари макарон маҳсулот- ларини тўплаш билан овора бўладилар.

Хусусан, Понтедасно шаҳрида истиқомат қи- лувчи Анеуа оиласи аҳо- ли коллекция тўплаган. У ердаги музей 1824 йил- даёқ очилган экан. Бу

ҚАЙДЛАШ

Қайдлаш бўлиш мумкин

ердаги маҳсулотлар жа- ҳоннинг энг йиринк спа- геттлари ва хамир маҳ- сулотларидан қилинган- лиги аниқланган, деб ха- бар қилади Болгариянинг «Народна младеж» газе- таси.

ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ИЗҚУВАР БУЛИШ МУМКИН

Норфолк графлигидаги шаҳар маҳкамаси аъзо- лари изқуварлиқнинг ўр- гатадиган ўзига хос ято- на мактаб очилди. Бу ерда барча хоҳловчилар изқуварлик касбияни ўр- ганишлари мумкин.

Бўлажак Шерлок Холмслар курс раҳбарла- ри — тажрибали томо- нида қўйилган инсцени- ровкаларда «жениот- ларни» очиб беришлари керак. Шунингдек, йи- ринк жиноятлари очиш хусусида лекциялар ўт- казилади. Бу касби «ўр- ганиш» учун хоҳловчилар 44 фунт стерлинг тўла- шлари керак.

ГАЗЕТХОН ПОЙТАХТ

1988 йил учун ГАЗЕТА ВА ЖУРНАЛЛАРГА

ОБУНА ҚИЗҒИН ДАВОМ ЭТМОҚДА

КПСС XXVII съезди ва партия Марказий Комитетининг сўнгги Пленумларида белгилаб берилган тарихий қарорлар мамлакатимизда тубдан бурилиш асносида, ҳамма жойда қайта қуриш ва жадаллаштириш авж олдириб юборилди. Ана шундан келиб чиқиб, газета ва журналлар саҳифалари янада ўқиниш бўлмоқда. Матбуот ходимлари халқ ҳўжалигини тараққий эттириш, турмушимизнинг намунали бўлини учун барча камчиликларни яширмай ошқора танқид қилмоқдалар.



ЎЗБЕКИСТОН
ПАТЕНТУНОСЛИК
ЖАМОАТЧИЛИК
ИНСТИТУТИ ХўЗУРИДА
«ТЕХНИКА ИЖОДИ
МЕТОДЛАРИ»
ФАКУЛЬТЕТИ
ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Ўқиш кечқурун олиб бо-
рилади.

Ўқиш муддати — 1 йил.
Ўқишга янги техника
яратиш устида ишловчилар,
илимий ва инженер-техник
ходимлар, ижода лавқати
бўлган ихтирочилар ва ра-
ционализаторлар қабул қи-
линади.

Хужжатлар — 1 ноябр-
гача қабул қилинади.

Справкалар юзасидан
қуйидаги адресга мурожаат
қилинсин: Тошкент шаҳри,
Ленинград кўчаси, 48-уй.
Телефонлар: 33-90-89, 33-
65-29.

Ўзбекистон ССР Хўнар-
техника таълими давлат
комитети

21-ЎРТА ХўНАР-
ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

10-синфни битирган йигит
ва қизларни

қуйидаги ихтисослар бўйича

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Секретарь-машинист т к а,
секретарь-стенографист т к а,
иш юритувчи, шахсий ЭХМ
оператор-программист, ЕС-
ЭХМ программисти, ЕС-
ЭХМ электромеханиги.

Ўқиш муддати — 10 ой.

ДИҚҚАТ —

ЭКСПЕРИМЕНТИ

1987 йил сентябрдан бош-
лаб билим юрти 8-синф маъ-
лумотиغا эга бўлган ёшлардан
мутахассис кадрлар тай-
ёрлашга киришди. 8-синф
маълумоти эга бўлган йигит
ва қизлар икки йил таъ-
лим олиб, қўлларига тўлиқ
ўрта маълумот ва ағаллаган
касби бўйича диплом олади-
лар.

Хужжатлар — 20 август-
гача қабул қилинади.

20 августдан 25 август-
гача ўқувчилар ДВК-2М ти-
пидagi шахсий ЭХМда им-
тиҳондан ўтдилар. Ҳисоб-
лаш техникаси ихтисослари-
га кирувчилар математика-
дан, ташкилий техника их-
тисосига кирувчилар эса рус
тилидан кириш имтиҳонла-
ри топирадилар.

Ташкилий техника ва ҳи-
соблаш техникаси ихтисос-
лари бўйича мутахассислар
тайёрлаш сифатини ошириш
мақсадида билим юртида ЕС-
1022 машиналари бўлган
ўқув ҳисоблаш маркази, ми-
ни ЭХМ М-6000, УПДМЛ-
ЕС-9004 комплекси, шунинг
дек 10 дона ДВК-2М ва бир
комплект КВТ-86 тинидаги
шахсий компьютерлар база-
сидаги СПД-9000 маълумот-
лар тайёрлаш зали ташкил
этилган.

Билим юртига ўқишга ки-
риш учун қуйидаги хужжат-
лар талаб қилинади: ариза,
аттестат ёки маълумот ҳа-
қидаги хужжат, характери-
стика; медицина справкаси
(286-форма), 4 дона фотосу-
рат (3х4 см).

Билим юрти адреси:
700084, Тошкент шаҳри,
Хуршид кўчаси, 45-уй (10,
44, 56, 85, 88-автотўрларни
«Семашко» номидаги
институт» бекати). Телефон-
лар: 34-55-73, 34-55-51.



Ўзбекистон Компартияси
Марказий Комитетининг
нашриёти босмаханаси ро-
тация дехида бир кунда 6
миллион нусхага яқин газе-
та босиб чиқарилмоқда.
Шунча газетани биргина
пойтахтимиз аҳолисига тақ-
симласак, ҳар бир кишига
учтадан газета тўғри келя-
ти.

Келгуси йилда бу рақам
янада кўпайиши кўтилмоқда.
Ҳозирги пайтда респуб-
ликаимизнинг барча шаҳар
ва қишлоқларида, аҳоли
пунктларида «Тошкент оқ-
шоми» газетаси учун обуна
чекланмаган миқдорда қа-
бул қилинапти. Бошқа нашр-
лар учун ҳам ана шундай
имкониятлар яратилган.

Эслатамиз:
«Тошкент оқшоми» газе-
тасининг обуна индекси —
64690;
Бир йилга обуна баҳоси
— 7 сўм 92 тийин, олти ой-
га 3 сўм 96 тийин.

Кулол чархининг қўшиғи

Қайин суви сопол ҳўқачадан ичилса анча тотли бўла-
ди. Азалдан сопол идишлардан фойдаланиб келаятган
латин дехқонларининг эмас, кўпгина шаҳарликлар ҳам
шундай деб ҳисоблайдилар. Халқ ижодиёти анъанавий
ярмаркаларида ҳар хил сопол идишлар тезда сотилиб
кетди. Халқ ижодиётининг анъанавий марказларида
ўтказилувчи «баҳори кулолчилик маҳсулотлари кўни»га
бутун Латвия аҳолиси, қўшни республикалардан меҳ-
монлар келадилар.

Республика жануби-шарқидagi зангори қўллар ўлкаси
— Латгалия уста кулоллари билан шўҳрат қозонган. Бу
ерда яшайтган юзга яқин оила бу қадимги ҳўнар сирла-
рини авлоддан-авлодга ўтказиб келмоқда.
Шу кўнларда халқ усталари сулоласининг вакили Пете-
рис Ушпелис йилнинг энг яхши кулоли медалига сазо-
вор бўлди. Унинг отаси, бобоси ва бобокалонлари ҳам
кулол ўтишган.

Халқ кулолчилиги технологиясида янги замонлар
унча кўп нарсани ўзгартирган йўқ, — дейди Ушпелис.
— Электр печлар бизга ярамайди. Сопол бетидagi сир-
нинг қўтилмаган гаройиб товланишлари, қўқ, қизил ва
зангори тўсларнинг товланиши ёниб турган олов аланга-
сидagina бўнеда кела олади.

Янқа тартибдаги меҳнат фаолияти тўғрисидаги қонун
кўчга кириши билан бутун республикада кулолчилик
санъати ўчоқлари жонланиб бормоқда. Ниҳоят тўйи дас-
турхонида анъанавий тўққиз шохли сопол шамдонлар-
да шамлар ёниб турибди, қир гуллари эса оддий қизил
сопол гулдонда кўзга айнайса хўш кўринади.

А. РОЗЕНИЦЕ.

САНЪАТ БИЛАН МЕХНАТ ИТТИФОҚИ

Мухиддин Қори Екубов но-
мидаги ўзбек концерт-филар-
мония бирлашмасининг ар-
тистлари қишлоқ меҳнатчилла-
рига атаб концерт програм-
маси тайёрладилар.

Шу кўнларда бўлгуси пах-
та ҳосили учун қизгин кураш
нечаётган бутун республика
улар учун саҳнага айланди.
«Шодлик» ансамбли ўз санъ-
атини Жиззах областининг
деҳқонларига кўрсатмоқда.
Ўзбекистонда хизмат кўрас-
ган артист Фуломжон Екубов
бошқарувидagi группа На-
манган областининг клублари
ва маданият уйларида кон-
цертлар бермоқда. Республи-
када хизмат кўрсатган артист
Олмагон Ҳайитов раҳбарли-
гидagi «Хоразм» этнографик
ансамблининг артистлари
мирзақўллик пахтакорлар ху-
зурига жўнаб кетдилар.

(ЎзТАГ).

Редактор ўринбосари

С. Б. ЕКУБОВ.

11 АВГУСТДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи (катта зал) —
«ЮЛДУЗ БУЛИШ ОСОНМИ?»
(17, 20.00).
Санъат саройи (кичик зал)
— «КАМЕЛИЯЛИ ХОНИМ ТА-
РИХИ» (17, 19.30).
Дружба — «АФРОДИТА-
НИНГ СОВҒАСИ» (ҳар соатда).
ВЛКСМ 30 йиллиги — «БО-
ЛАЛАР МАЙДОНЧАСИ»
(жуфт соатларда).
Тошкент Советининг 50 йил-
лиги — «ЕЛҒИЗ АЕЛ ТАНИ-
ШИШНИ ИСТАЙДИ» (жуфт
соатларда, сўнгги сеанс 21.30
да).
К. Ерматов номли — «НОЕБ
30Т» (тоқ соатларда).
Искра — «ПЛЮМБУМ ЕКИ
ХАТАРЛИ УЙИ» (16, 18,
20.00).
Ватан — «ЮЛДУЗ БУЛИШ
ОСОНМИ?» (18, 21.00).

12 АВГУСТДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи (катта зал)
— «ЮЛДУЗ БУЛИШ ОСОН-
МИ?» (17, 20.00).
Санъат саройи (кичик зал)
— «КАМЕЛИЯЛИ ХОНИМ ТА-
РИХИ» (17, 19.30).
Дружба — «АФРОДИТА-
НИНГ СОВҒАСИ» (ҳар соатда).
ВЛКСМ 30 йиллиги — «ҚИ-
ЗИЛ БЕКА» (17, 20.00).
Тошкент Советининг 50 йил-
лиги — «ЕЛҒИЗ АЕЛ ТАНИ-
ШИШНИ ИСТАЙДИ» (жуфт
соатларда, сўнгги сеанс 21.30
да).
К. Ерматов номли — «ДАЛА
ЭСКАДРИЛЯСИ» (тоқ соат-
ларда).
Искра — «ПЛЮМБУМ ЕКИ
ХАТАРЛИ УЙИ» (16, 18, 20.00).
Ватан — «ЮЛДУЗ БУЛИШ
ОСОНМИ?» (18, 21.00).

АВТОМАТ-ЖАВОБ БЕРУВЧИ

ТЕЛЕФОНЛАР:

Санъат саройи — 44-21-44,
44-21-34, 44-21-74.
Ватан — 74-30-39
Чайка — 77-06-20
Москва — 33-05-01
Тошкент Советининг 50 йил-
лиги — 78-47-25
Восток — 91-14-61
Лисувон номли — 96-34-02
Искра — 39-14-59
Нукус — 46-46-55
Дружба — 67-96-87
Шаҳар кинотеатрларида хиз-
мат кўрсатиш маданиятини юк-
сальтириш юзасидан таклиф
ва истақлар билан Тошкент
шаҳар ижроия комитети кино-
лаштириш бошқармасига
33-37-11 телефон номери бў-
йича мурожаат қилинсин.

АҲОЛИ
ДИҚҚАТИГА!

«ВИСОТСТРОЙ»НИНГ
П-ТРЕСТИГА ҚАРАШЛИ
«СПЕЦИЛЕЗБЕ-
ТОНСТРОЙ»
ҚУРИЛИШ-МОНТАЖ
БОШҚАРМАСИ

қуйидаги ишларни бажар-
иб бериш юзасидан аҳолига
пуллик хизмат кўрсатиш учун

ЧЕКЛАНМАГАН

МИҚДОРДА

ЗАЯВКАЛАР

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

металл гаражлар тайёр-
лаш ва уларни ўрнатиб бе-
риш;
хўсусий уй-қойлар ва бо-
ғ уйлари қуриб бериш
(пардозлашдан ташқари);
ишқом сўрилари қуриш
ва уларни ўрнатиш;
сой-салқин бостирма (ай-
вон)лар қуриш ва бошқа
қурилиш-монтаж ишлари.
Буюртмалар буюртмачи-
нинг, шунингдек пудратчи-
нинг материаллари ҳисоби-
дан ҳам тайёрлаб берилади.

Справкалар юзасидан қу-
йидаги адресга мурожаат
қилинсин: Тошкент шаҳри,
Ленинград кўчаси, 19-аъ
уй. Телефонлар 33-91-09,
33-92-65.

ДИҚҚАТ!

12-27 АВГУСТ КўНЛАРИ
МУҚИМИН КўЧАСИДАГИ
ИССИҚ СўВ ўтадиган
ТРУБАЛАР
АЛМАШТИРИЛИШИ
МУНОСАБАТИ БИЛАН

Чилонзор массивининг
4, 5, 6, 8, 9 кварталларига,
Муқимий кўчасининг
ўнг томонига
ВАҚТИНЧА ИССИҚ
СўВ БЕРИШ
ТўХТАТИЛАДИ

«ТАШТЕПЛОСЕТЬ» (те-
лефон 78-40-76).

Тошкент шаҳар, Чилон-
зор районидagi 138-ўрта
мактаб томонидан Савтова
Гульнора Якубова номига
берилган В-974432 номер-
ли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ
Тўғрисидаги
АТТЕСТАТ
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар, Куйби-
шев районидagi 54-ўрта
мактаб томонидан Абдуллае-
ва Умўржон Эвадуллаева
номига берилган 036634
номерли йўқолган
ЎРТА МАЪЛУМОТ
Тўғрисидаги
АТТЕСТАТ
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

САВДО ХИЗМАТИ МАДАНИЯТИ КўРИГИ

ЎРМАТЛИ УРТОҚЛАР!
1 ОКТЯБРГАЧА
ТОШКЕНТ ШАҲРИДА САВДО ХИЗМАТИ МА-
ДАНИЯТИНИНГ КўРИГИ ЎТКАЗИЛАДИ
Қуйида келтирилган анкета саволларига жавоб бериш
билан кўркини ўтказишда қатнашинингизни сўраймиз:



АНКЕТА

Магазин номерини кўрсатинг
1. Шу магазиндаги хизмат даражаси Сизни қаноатлан-
тирадими?

ҳа йўқ

(кераклигининг тагига чизинг)

Хизмат кўрсатиш вақтида қўлполичка йўл қўйган, э-
тиборсизлик қилган сотувчининг фамилиясини келтиринг
2. Магазинда ҳисоб-китоб қилиш (касса аппаратлари)
яхши йўлга қўйилганми

ҳа йўқ

(кераклигининг тагига чизинг)

3. Харид қилган нарсангизга ҳақ тўлаётганингизда
қайтимишни бермай қолш ҳўллари бўладими?
4. «Шикоят ва таклифлар китоби» Сиз олишингиз мум-
кин бўлган ердами?

ҳа йўқ

(кераклигининг тагига чизинг)

5. Магазиндаги моллар ассортиментини билан танишиб
чиқингизнинг учун имконияти бериладими?
6. Агар магазини нон ва нон маҳсулотлари билан савдо
қилса, илтимос, кўнинг қайси соатларида нон маҳ-
сулотлари бўлмаслигини ёзинг.
7. Сизни қизиқтирган масалани ҳал этиш учун магазин
мудирин билан учрашингиз имкон бериладими? Шу ма-
садлар учун савдо залида қабул соатлари кўрсатилган,
қийозланган махсус жой борми?

8. Савдонда ташкил этишдаги камчиликлар ҳақида ма-
газини мудир олдида қўйилган, лекин у ҳал этмаган ҳўл-
лар ҳақида конкрет мисоллар келтиринг

9. Шу магазинда савдо хизмати маданиятини ошириш
учун қандай масалаларни ҳал этиш зарур?

10. Шу магазинда иқтисодий омилни кучайтириш бў-
йича Сизнинг таклифларингиз

11. Фамилиянгиз, исмингиз ва отанингизнинг исми ҳамда
уй адресингизни кўрсатишингизни илтимос қиламиз.

Анкетадаги саволларга жавобларини қуйидаги адресга
юборишингизни сўраймиз: Тошкент шаҳри, 700047, Про-
летар кўчаси, 6-уй. Тошкент шаҳар Совети ижроия ко-
митети савдо бош бошқармаси, ташкилий бўлим. Теле-
фон: 33-68-83.

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КО-
МИТЕТИ САВДО БОШ БОШҚАРМАСИ.
«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БЎТУНИТИФОҚ
БИРЛАШМАСИНING ЎЗБЕКИСТОН РЕК-
ЛАМА АГЕНТЛИГИ.

Ўқишга марҳамат!

Ўзбекистон ССР Хўнар-техника таълими давлат
комитети
43-ЎРТА ХўНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
Янги ўқув йилига

Ўқувчилар қабул қилади

Ўқиш муддати — 1-3 йил.

Билим юрти қуйидаги касблар бўйича малакали ишчи-
лар тайёрлайди: БУЎҚИ ВА СУВОҚЧИЛАР, ДУРАД-
ГОРЛАР, ЭЛЕКТР ПАЙВАНДИЛАР, КОНСТРУКТОР-
МОНТАЖЧИЛАР.
БИЛИМ ЮРТИГА 8-10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУ-
МОТГА ЭГА БўЛГАН ИГИТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНА
ДИ.

Билим юртини битирганлар ўзлари танлаган мутахас-
сисликларни билан бирга ўрта маълумот тўғрисида аттес-
тат ҳам оладилар.

Билим юртини аъло баҳолар билан битирган ўқув-
чилар техникум ва олий ўқув юртиларига кириш учун
йўлланма оладилар ҳамда имтиҳонсиз қабул қилинадилар.

ЎҚИШ ДАВРИ МЕХНАТ СТАЖИГА ҚўШИВ ҲИ-
СОБЛАНАДИ.
Ўқишга қабул қилинганлар кўнига 3 маҳал бепул ов-
қат, формали ва махсус кийимлар билан таъминланади-
лар.

10-синфни битирганлар ҳар ойда 30 сўмдан стипендия
оладилар.
Булардан ташқари ўқувчилар ишлаб чиқариш практи-
касида ишлаган ҳақларининг 50 процентини мукофот та-
риқасида оладилар.

Билим юрти қошида танлаган касблари бўйича тўга-
рақлар мунтазам равишда иш олиб боради.
Ўқувчилар ёғи каникулни Чимёнда жойлашган лагер-
да ўтказишлари мумкин.

ЎҚИШ — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.
Билим юртига кириш учун қуйидаги хужжатларни
топириш керак: билим юрти директори номига ариза,
паспорт ёки туғилганини ҳақидаги хужжат, маълумоти
ҳақидаги шаходатнома, турар жойидан справка, соғлиги
ҳақидаги справка, 3х4 см. ҳажмида 4 дона фотосурат.

АРИЗА ВА ХўЖАТЛАР ҲАР КўНИ (дам олиш
кўнидан ташқари) СОАТ 9 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ
ҚИЛИНАДИ.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Юнусобод маси-
ви, 8-квартал (25, 28, 29-трамвайларнинг охири бекати).

Ўзбекистон ССР Госсаби Тошкент бошқармасининг
ТОШКЕНТ ЁҚИЛГИ БАЗАСИ ОМБОРЛАРИДА
КУЗБАСС, ҚАРАҒАНДА КўМИРЛАРИ БИЛАН
ЭРКИН САВДО ҚИЛИНМОҚДА ВА ҚУЙИДАГИ
ОМБОРЛАРДАН МАРКАЗЛАШГАН ТАРТИБДА УИ-
ГА ЁЛТИБ БЕРИШ УЧУН АҲОЛИДАН АНГРЕН
«БК» КўМИРГА БУЮРТМАЛАР ҲАМ ҚАБУЛ ҚИ-
ЛИНМОҚДА.

1 — 2 Ипподромний проезд, 58-уй — Ленин, Куйбишев,
Ҳамза, Фрунзе районларида истиқомат қилувчилар учун;
2-Уста Ширин кўчаси, 136-уй — Собир Раҳимов,
Киров, Октябрь районларида истиқомат қилувчилар учун;
4-Сергели посёлкасининг Жанубий саноат зонаси —
Сергели, Акмал Икромов, Чилонзор районларида истиқо-
мат қилувчилар учун.

Тошкент шаҳридаги корхоналар, ташкилотларнинг
раҳбарлардан коллектив заляқалар, бўйича буюртма-
лар фақат Тошкент шаҳрида пропосидада турувчи ки-
шилар номига қабул қилинади, шаҳар чегарасидан таш-
қарида яшовчилар учун кўмлар фақат ўз ҳисобидан таш-
қили олиш йўли билан 1987 йил 1 октябргаича сотилади.

Улуғ Ватан уруши инвалидлари ва қатнашчилари,
меҳнат инвалидлари, шахсий пенсioneрлар, ҳалок бўл-
ганларнинг оилалари йилда бир марта 2 тонна ҳисобда
50 процент арзон нархда кўмир сотиб олиш имтиёзидан
фойдаланадилар. кўмир марказлашган тартибда, улар-
нинг уйларида ташиб берилади, қаҳрамон оналар учун
кўмир нақд пулга, навабдан ташқари жўнатилади.

Справкалар юзасидан қуйидаги адресга мурожаат қи-
линсин: Тошкент шаҳри, Уста Ширин кўчаси, 125-уй.
Телефонлар: 48-46-81.

Ёз мавсуми учун

Ёзининг иссиқ кўилари

оёқини «ФУТОН» ДЕЗОДО.

РАНТИ билан парвариллаш
яхши самара беради. Бу де-
зодорант ёнимсиз ҳидни кет-
казади. Замбуруғлар туфай-
ли юзга келадиган касал-
ликларининг олдини олади.

Аэрозоль ўраида «ФУ-

ТОН» «Ўзбитластик»нинг

1-фирмали магазинида со-
тилади. Ваҳоси 1 сўм 30

тийин.

«Ўзбитластик»нинг 1 фир-

мали магазини.

«Союзторггреклама» Бу-

туниттифоқ бирлашмасининг

Ўзбекистон реклама агент-

лиги.



Аэрозоль ўраида «ФУ-

ТОН» «Ўзбитластик»нинг

1-фирмали магазинида со-

тилади. Ваҳоси 1 сўм 30

тийин.

«Тошкент оқшоми»

(«Вечерний Ташкент») орган Ташкентского горкома Компартии Узбе-

кистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қи-
зил Байроқ ордени босмаханаси, Тошкент шаҳри.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбек ва рус тилла-
рида мустақил равишда
нашр этилади.

Р. — 11785.

Ишданбанд тошқарни ҳар кўни чиқади. Ички саҳифаларга 19.00 да кўп қўйилган. [График бўйича 17.00 да кўп қўйилиши лозим]. Б. 2435. Тиражи — 75.131. Индекс 64690, 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10.